QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI
VAZIRLIGI

230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ
XALÍQ BILIMLENDIRIW
MINISTRLIGI

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

«20» август 2021-у. №03-02/02-3747 «____»-________ 2021-j.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Халқ таълими вазирлигига**

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Сизга, Элликқалъа тумани, Акчакўл ОФЙда яшовчи Д.Беглиевнинг мурожаати юзасидан қуйдагиларни маълум қилади.

Мурожаат эгаси олдин ҳам шу мурожаатни Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирига йўллаган еди, (2021 йил 08 апрель куни) яна такрор Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирига ҳам шу мазмунда мурожаат келиб тушди.

Олдин Д.Беглиевнинг мурожаати бўйича 2021 йил 28 апрель куни вазирлик томонидан ишчи гуруҳ ташкил қилиниб, ишчи гуруҳ томонидан ўрганилиб чиқилди ҳамда 2021 йил 30 апрель куни вазирликнинг 02-02/02-2290 сонли хати билан мурожаат эгасига жавоб хати берилганлигини маълум қиламиз.

***Барча тўпланган маълумотлар илова қилинади***

***Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги Қонуннинг 30 моддаси биринчи қисми иккинчи хатбошига кўра агар такрорий мурожаатларда янги важлар, янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгарги мурожаат материалларида эса текширувчиларнинг тўла-тўкис материаллари мавжуд бўлса ва мурожаат қилувчиларга белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса мурожаатни кўриб чиқиш тугатиш белгиланган.***

**Вазир ўринбосари** **Ш.Таджимуратов**

Ижрочи: Р.Узакбергенов
Тел: (93) 489-56-25

# ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ХАЛЫҚ БИЛИМЛЕНДИРИЎ МИНИСТРИНИҢ БУЙРЫҒЫ

**Хызмет сапары ҳаққында**

Елликқала районы Ақчакөл АПЖда жасаўшы пуқара Беглиев Давронбектиң 2021-жыл 8-апрельдеги Қарақалпақстан Республикасы Әдиллик министри ҳәм Халық билимлендириў министри атына жоллаған мүрәжатын үйрениў мақсетинде төмендеги аты көрсетилген хызметкерлер усы жылдың 29-апрель күни (бир күн даўамында) тийкарғы жумыс орнынан ис ҳақысы сақланған ҳалда, Елликқала районы 50-санлы улыўма орта билим бериў мектебине хызмет сапарына жиберилсин.

Үйрениў нәтийжеси бойынша топланған мағлыўматларды Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў министрлигине жеткериў тапсырылсын.

| | |
|---|---|
| Узақбергенов Р | - Министрликтиң билим сыпаты мониторинг бөлиминиң жетекши қәнигеси |
| Мамбетов А | - Беруний районы 8-санлы мектептиң Оқыў-тәрбия ислери бойынша директор орынбасары |
| Қазақбаев Б | - Беруний районы Руўхый-ағартыўшылық ислери бойынша директор орынбасары |
| Реймов А | Төрткүл районы 3-санлы мектептиң Оқыў-тәрбия ислери бойынша директор орынбасары |

**Тийкары:** Елликқала районы Ақчакөл АПЖда жасаўшы пуқара Беглиев Давронбектиң 2021-жыл 8-апрельдеги Қарақалпақстан Республикасы Әдиллик министри ҳәм Халық билимлендириў министри атына жоллаған мүрәжаты

**Министр** **Р.Реимов**

Нөкис қаласы,
«28» апрель 2021-жыл
«112»санлы буйрығы

K. Бекбаулиев

**Qaraqalpaqstan Respublikası**
**Xalıq bilimlendiriw ministrligi**

**Qoraqalpoǵiston Respublikasi**
**Xalq ta'limi vazirligi**

Nókis q. A.Dosnazarov k. 62 úy, 0 (361) 222-24-37, 222-24-63, faks: 222-98-30
web-site: http://kkedu.uz, e-mail: qoraqalpoǵiston_xtv@xtv.uz

«30» апрель 2021-jıl 02-02/02-2290-sanlı

**Елликқалъа тумани, Ақчакўл ОФЙда яшовчи Д.Беглиевга**

*Нусқаси:* **Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига**

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Сизнинг 2021 йил 31 мартдаги мурожаатингиз бўйича вазирликнинг ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилди ва ўрганиш натижалари бўйича қўйидагиларни маълум қилади.

**Савол**: Мурожаатда "*олдинги мурожаатимдаги салбий ҳолатларни бартараф қилиш ўрнига Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги етакчи мутахассиси Р.Узақбергенов, туман халқ таълими мудири ўринбосари Ф.Юсупов, овул оқсоқоли Ж.Юлдашев ва икки нафар ички ишлар бўлими ходимлари билан биргаликда 2021 йил 19 февралда ота-оналарни йиғиб кузатув кенгашини асоссиз равишда тарқатиб юборишди*?"-деб кўрсатилган.

**Жавоб**: 50-сон мактаби қошида ташкил этилган Кузатув кенгаши фаолияти давомида бир неча марта мактабнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Ю.Моминовнинг фаолиятига ноқонуний аралашиб, ҳаттоки Кузатув кенгаши ўзининг 2020 йил 14 октябрдаги 4-сонли йиғилиш баённомаси мактабнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Ю.Моминовни "***мазкур лавозимга лойиқ эмас деб топиб, уни мазкур лавозимдан озод қилишни ёки бошқа мактабга ратация қилишни сўралсин***"-деб қарор қабул қилинганлиги ва олдинги мурожаатингизга берилган жавобларимизда келтирганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 26 декабрдаги 16мҳ-сонли буйруғи билан тасдиқланган **"Умумий ўрта таълим муассасаларининг Кузатув кенгаши тўрисида"ги** Низомнинг 2-боб 5-банди 2-кичик бандидаги талбалар бузилганлиги сабабли мазкур Низомнинг 6-боб, 29-бандига мувофиқ тарқатилди ва 3-бобида назарда тутилган талаблар асосида очиқ овоз бериш орқали қайта ташкил этилди.

**Савол**: *Мурожаатда мактабнинг собиқ директори Г.Матякуповага фикрини таклифини эшитиш ўрнига Эшжанов.Б сўзга чиқиб, "ҳурматли, ота-оналар! Г.Матякупова мактабга катта балони, ёвни кириб келишига йўл қўйди". Бундай балони кириб келишига йўл қўймайлик деб баланд овозда гапириб ота-оналарнинг қалбига ғул-ғула солди. Буни эшитиб ўтирган Р.Узақбергенов, Ф.Юсупов, Ж.Юлдашев ва иккита ички ишлар ходимлари шу кунгача суруштурув*

*ишлари олиб бормасдан жим ўтирдилар деб келтирилган.*

**Жавоб**: Умумтаълим мактаблари қошидаги Кузатув кенгаши аъзолари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 26 декабрдаги 16мҳ-сонли буйруғи билан тасдиқланган **"Умумий ўрта таълим муассасаларининг Кузатув кенгаши тўрисида"ги** Низомнинг 3-боб 8-бандида очиқ овоз бериш орқали сайланади деб кўрсатилган. Шунингдек, Б.Эшжанов тўғридан-тўғри мактаб директори Г.Матякупова мактабга катта балони, ёвни кириб келишига йўл қўйди" деб айтилмагани, агарда Г.Матякуповага нисбатан туҳматлар қилинган тақдирда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат этиш ҳуқуқи бор эканлиги тушунтирилади.

**Савол**: *Ю.Моминов ва мактабнинг собиқ директори Г.Матякупова ўртасида қуда-андачилиги аниқлангандан кейин Ўзбекистон Республикаси МК 79-моддасига асосланиб, Ю.Моминовнинг ишлашида жиддий камчиликлари борлиги сабабли тўғри келмаслиги ва маънавий-марифий ишлари бўйича директор ўринбосари Р.Сапараованинг камчиликлари тўғрисида 2020 йил 26 феврал куни туман халқ таълим бўлимига ёзма равишда мурожаат қилдим. Пандемия сабали мурожаатимни муҳокама қилиш имкони бўлмади.*

**Жавоб**: Ю.Моминов ва мактабнинг собиқ директори Г.Матякупова ўртасидаги яқин қариндошлик борлиги (қуда-андачилиги) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 79-моддасига тўғри келмаганлиги сабабли ва Г.Матякупова 2021 йил 17 февралдаги ўз аризаси ва Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 10 мартдаги 50-к сонли буйруғига мувофиқ, 50 сонли умумтаълим мактаби директори лавозимидан 55 сонли умумтаълим мактаби директори лавозимига ўтказилган.

**Савол:** *Мурожаатда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига 2020 йил 10 декабрда аризалар ёздим..шу кунгача ҳеч қандай жавоб хати олмадим* деб кўрсатилган.

**Жавоб**: Сиз шахсан ўзингиз ва фуқаро А.Худайбергенов билан 2020 йил 10 декабрда эмас, балки 2020 йил 2 декбарда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирига оғзаки шаклда йўллаган мурожаатингиз бўйича вазирликнинг 2020 йил 2 декабрдаги 193 сонли буйруғи асосида ишчи гуруҳ томонидан 2020 йил 5 декабрда ўрганиш ишлари олиб борилган ва ўрганиш натижалари бўйича маълумот берганлигини билдирамиз.

Шунингдек, Овул оқсоқоли иш хонасида Сизни сўроқ қилгани бўйича ўрганиш ишларини олиб бориш, 50 сонли мактабнинг ўқув тарбиявий ишлари бўйича директор ўринбосари Ю.Моминовни туман халқ таълими томонидан чиқарилган буйруқга мажбуран буйсиндириш Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ваколати доирасига кирмаслигини билдирамиз.

*Агарда жавоб хатидан норози бўлсангиз, юқрори турувчи ташкилотларига мурожаат этиш ҳуқуқингиз бор эканлигини билдирамиз.*

**Вазирнинг**
**биринчи ўринбосари в.в.б** **Қ.Бекбаулиев**

Ижрочи: Р.Узақбергенов
Тел: (93) 489-56-25

3-sh.

"O`zbekiston pochtasi" aksiyadorlik jamiyati

3/417 -son KVITANSIYA

(kvitansiya yoki shtrixli pochta identifikatori raqami)

buyurtma 3/п qabul qilishda

(jo`natma turi) (alohida belgisi)

Qayerga Елликкала района

Kimga Беглиев Довронга

Og`irlik ________ g.

Jo`natish uchun to`lov ________ so`m ________ tiyin

**Qabul qildi** ________

(imzo)

**Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирининг 28 апрел 2021 йилги 112 сонли буйруғи асосан Элликқалъа тумани ХТБ га қарашли 50-сонли умумий ўрта таълим мактабида 2021 йил 29 апрел кунги ўрганиш натижаси тўғрисида**

## МАЪЛУМОТ

Элликқалъа тумани Ақчакўл ОФЙ да яшовчи фуқаро Д. Беглиевнинг 2021 йил 8 апрелдаги Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазири номига йўллаган мурожаатини ўрганиш натижасида қуйидагилар аниқланди:

Мактаб директори: Жаббаров Фарход Сабурович

Ўқув тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари: Мўминов Юнус Аминбаевич

Маънавий- маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари: Сапарбаева Рита Эркабаевна

Ўқитувчилар сони: 46 нафар, ўқувчилар сони 563 нафарни ташкил қилади. 2 сменада таълим олмоқда. Мактаб директори Ф. Жаббаров 2021 йил март ойидан иш бошлаган.

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Ю. Мўминовнинг иш режалари мавжуд, тасдиқланган. Мактабда 7 та метод бирлашма ташкил қилинган. Табиий фанлар бўйича метод бирлашма иш режаси мавжуд. Метод бирлашманинг №1 йиғилиши 2020 йил 2 сентябр куни ўтказилган. Режа бўйича кейинги ўтказилган мажлис баённомалари мавжуд эмас.

Педагогик ходимларнинг ишга ўз вақтида келиб кетиш журнали мавжуд, аммо тўлиқ юритилмаган. (*Мактабнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Ю.Моминовнинг тушунтириш хати илова қилинади*)

Мактабнинг 9-синф ўқувчиси Умрбекова Хамиданинг баҳолар табели текширилганда 7-синфида меҳнат (технология) фанидан 3-чоракка "4" баҳоси "5" баҳосига ўзгартирилган. Синф журналида 3-чорак якуни бўйича "5" баҳо қўйилган, аммо, ўқув журналининг 231-варағида ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва хулқи ҳақидаги маълумотида меҳнат(технология) фанидан 3-чорагига синф раҳбари (ўша вақтдаги ) Зарипбаева Нодира томонидан "4" баҳоси қўйилган. Ҳозирги пайтда Зарипбаева Нодира мактабнинг 2020 йил 30 августдаги №102 сонли буйруғига асосан ишдан бўшаган. (*буйруқ ва табел, журнал нусхалари илова қилинади.)*

Мурожаатда мактаб ўқувчиси Қадамбаев Муроднинг отаси мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Қидирниязова Хурлиман устидан 2020 йил 24 декабр куни шикоят билан келган. Мактаб маъмурияти ушбу шикоятни кўриб чиққан, ўқитувчи ўз хатосини тан олиб шикоятчидан кечирим сўраган.

Шикоятчи ҳеч қандай хусумати йўқлигини айтган. (*Ўқитувчининг тушунтириш хати илова қилинади).*

Мактабда 2020 йил 2 сентябр “**Мустақиллик байрами**” муносабати билан қўшимча дам олиш куни метод бирлашма йиғилишлари ва педагогик кенгаши ўтказилган. Бу эса ишчи ходимларнинг дам олиш кунлари мажбурий меҳнатга жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддаси 1-қисми бўйича мактабда ҳуқуқбузарлик содир қилинган. Мажлисда собиқ директор Г.Матякупова томонидан олиб борилган ва йиғилишга мактабнинг 38 нафар ходимлари қатнашган. (*Педагогика кенгаши мажлиси баённомаси илова қилинади.)*

Мактабда электрон кундалик жорий қилинган. Камчиликлар кузатилмади.

Мактабнинг маънавий маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари Р.Сапарбаеванинг иш ҳужжатлари ўрганилганда, биринчи жилд бўйича йиллик иш режа тасдиқланган, лекин, ўқув йили давомида ўтказилган жорий йилнинг апрел ойида ўтказилган “**Китобхонлик ҳафталиги**” тадбир баённомаларидан бошқа маънавий-маърифий тадбирлар директор томонидан тасдиқланган режаси маълумотномалари ва баённомалари йўқлиги сабабли тақдим этмади.

Иккинчи жилд “**Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг профилактикаси**”га доир йиллик иш режаси мавжуд директор томонидан тасдиқланган, лекин, жорий ўқув йили давомида ўтказилган мажлис баённомалари мавжуд эмас. Одам савдоси, диний экстремизм ва ақидапарастлик, ОИТС га қарши кураш, Йўл ҳаракати қоидалари ва бошқа ҳужжатлар режалари мавжуд эмас.

Учинчи жилд “**Оила махалла-таълим муассасаси**” ҳамкорлиги жамоат кенгаши йиллик иш режаси тасдикланган, лекин, жорий ўқув йили давомида ўтказилган йиғилиш баённомалари ва унда кўрсатилган тадбирларнинг бажарилиши юзасидан тегишли ҳужжатлар мавжуд эмас.

Тўртинчи жилд “**Ўқувчиларнинг давомати ва бўш вақтларини мазмунли ўтказиш**” бўйича амалга оширилган ишлар мактабнинг Ёшлар иттифоқи етакчиси томонидан умумлаштирилиб, халқ таълими бўлимига тақдим этилган давомат бўйича маълумотлар йўқлиги сабабли мазкур ҳужжатларни ўрганиш жараёнида ишчи гуруҳга тақдим эта олмади..

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 21 декабрдаги “**Умумтаълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ва ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш тўғрисида**”ги 314 сонли буйруғига асосан 2020 йил 2 декабр санасидан бошлаб барча фан тўгаракларига фаолит кўрсатишга рухсат берилган бўлса да, Элликқалъа тумани 50 сонли умумтаълим мактабида фан тўгаракларини юритиш бўйича бир қатор камчиликлар аниқланди. Жумладан; мактабда 39 та фан тўгараклар мавжуд бўлиб, аммо мактабнинг фан тўгаракларни ташкил этиш бўйича буйруқ мавжуд эмас. Шунингдек, мактабдаги фан тўгаракларининг юритилиши бўйича мавжуд(она тили ва адабиёти ва информатика фан тўгараклари) ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилмаган. Фан тўгараги раҳбарларидан тўгаракларнинг

юритилиши бўйича ҳужжатларни тақдим қилиши сўралганда, фақат информатика фан тўгараги раҳбари Абдуллаев Рахматулланинг тўгарак журнали, иш режаси мавжудлиги аниқланди, лекин, жорий йилнинг феврал ойидан кейин маълумотлар журналга ёзилмаган. Она тили фани тўгарак раҳбари Нуржанова Гулнозанинг тўгарак журнали мавжуд ёзилган. Синф рахбарлари ҳужжатлари билан танишганимизда $5^{Б}$-синф раҳбари Ачилов Иззат синф раҳбарлик журнали директор томонидан тасдиқланмаган, тўлиқ ёзилмаган.

Мактабдаги бошқа фан тўгарак раҳбарлари ҳужжатлари йўқлиги сабабли тақдим қилмади.

Шунингдек ўрганиш жараёнида мактабда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 22 февралдаги “**Умумий ўрта таълим муассасаларида 5 синфдан бошлаб ягона синф раҳбари фаолиятини ташкил этиш ҳақида**”ги 41 сонли буйруғи билан тасдиқланган “***Умумий ўрта таълим муассасанинг синф раҳбарлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида***”ги Низом талаблари бузилганлиги аниқланди.

Жумладан:

1. Мактабда 21 та синф мавжуд, лекин $4^{А}$-синф раҳбари Бекниязова Зулфиянинг синф раҳбарлик журнали тасдиқланган, лекин, тўлиқ юритилмаган.
2. Бошқа синф раҳбарларининг синф раҳбарлик ҳужжатлари йўқлиги сабабли ишчи гуруҳга тақдим қилмади.

*(Мактабнинг Маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари Сапарбаева Ританинг тушунтириш хати илова қилинади)*

Қорқалпоғистон Республикаси Халқ таълими
вазирлигининг Таълим сифати мониторинги бўлими
етакчи мутахассиси: Р. Узақбергенов

Беруний тумани 8-умумий ўрта таълим
мактабининг ўқув-тарбия ишлари бўйича
директор ўринбосари: А. Мамбетов

Беруний тумани 16-умумий ўрта таълим
мактабининг маънавий-маърифий ишлари бўйича
директор ўринбосари: Б. Қазақбаев

Тўрткўл тумани 3-умумий ўрта таълим
мактабининг ўқув-тарбия ишлари бўйича
директор ўринбосари: А. Реимов